


ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси


Л.Мухаммадназаров
2023 йил «__» февраль

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши йиғилиши

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 1

2023 йил 2 февраль

Йиғилишга раислик қилди: Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаш раиси*

Иштирок этдилар: Шухрат Суюнов- *Кенгаш раиси ўринбосари*
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги тизимида очиклик ва шаффофликни таъминлаш.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш сўз билан очди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномада Жамоатчилик кенгашлари олдида муҳим вазифалар қўйилганлиги, шулардан келиб чиқиб, вазирлик фаолиятида очиклик, шаффофлик, конунийлик, натижадорлик ва сифатни ўрганиб бориш, раҳбариятга асослангилган таклифлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон Фармонида асосан давлат органлари ва ташкилотларида очикликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индекси жорий этилган.

Фармонга мувофиқ 2022 йил учун Очиклик индекси йилнинг иккинчи ярми камраб олинган давр учун баҳоланиши кўрсатилган.

Йиғилишда ушбу масала бўйича кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюновга сўз берилди.

Ш.Суюнов 2023 йил 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 01-18/375-сонли хати вазирликка келиб тушгани, унда очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар ва кўрсатилиши талаб этилган электрон давлат хизматларини қайта хатловдан ўтказиб, амалда фойдаланиб келинган расмий ахборот ресурсларида ўзгаришлар мавжуд бўлган тақдирда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маълумот киритиш сўралганини таъкидлади. Хатлов ўтказилганида очиқлик бўйича фаолият етарли даражада эмаслиги, айрим маълумотлар жойлаштирилмаганлиги, шунингдек, баъзи йўналишларда ишлар ташкил этилмаганлигини аён бўлганлигини таъкидлади.

Жумладан, очиқлик соҳасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисидаги, ўзини ўзи баҳолаш тартиби тўғрисидаги, очиқлик соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги, очиқликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинмаган.

Очиқликни таъминлаш бўйича онлайн сўровнома ўтказиш блоки ташкил этилмаган, очиқ маълумотлар тўплами ва қайта алоқа самарадорлигини баҳолаш тизими ҳам жорий этилмаган.

Ш. Суюнов ушбу масалаларни ташкил этишда Жамоатчилик кенгаши аъзоларидан кўмак беришларини сўради.

Кенгаш аъзолари Т.Долиев, М.Икромова, Х.Лапасов, Р.Шаропов сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тизимида очиқликни таъминлаш бўйича ишлар етарли даражада таъминланмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюновга кенгаш аъзолари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб, очиқлик бўйича тегишли барча маълумотларни жамоатчиликка эълон қилишни топширилсин.

3. Вазирликнинг очиқлик бўйича сиёсати ҳар чоракда Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиб борилиши йўлга қўйилсин.

Йиғилиш баённомасини

расмийлаштирди:

Кенгаш котиби:



У.Эрназарова